

## ТАЪЛИМ -ТАРБИЯ ҚАНЧА МУКАММАЛ БЎЛСА, ХАЛҚ ШУНЧА БАХТЛИ ЯШАЙДИ

Рашидова Бахти Яхяевна

Жиззах политехника институти “Ижтимоий фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда дунёда таълим бериш ва таълим олиш долзарб масалалардан бири эканлиги, айнан сифатли таълим биз яшаб турган дунёни турли муаммолардан кутқаришда мухим роль ўйнаши, шу туфайли давлатлар таълим соҳасига катта маблағ ажратадиганлиги, юртимизда 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида ҳам чуқур маъно ва мазмун борлиги, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар таркибида, жумладан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, таълим жараёнидаги фаоллигини юксалтириш, қасбий фаолият учун зарур билим, кўникма малакалар эгаллашини, муаммолар устида ишлашда мустақил ва ижодий ёндашувини таъминловчи инновацион тафаккурни ривожлантиришнинг механизмларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мухим масалаларни ҳисобга олиш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Таълим, тарбия, илм, фан, сифат, Ренессанс, ўқитувчи, мураббий, миллат.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишга катта эътибор бериб келинмоқда, бу борада белгиланган вазифаларни бажариш келажаги буюк Ўзбекистонни ривожланган дунёвий демократик давлатлардан бирига айлантиришнинг мухим шартидир. Буюк давлатнинг пойдеворини маънавий ва ғоявий жиҳатдан етук, интелектуал салоҳиятга бўлган юксак маънавиятли соғлом авлодларгина барпо эта олади. Мамлакатимизда фан, таълим, техника ва технологияларнинг жадаллик билан тараққий этиши, республикамизнинг глобаллашув жараёнларига мослашиб кетиши учун катта йўл очиб бермоқда. Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги қуни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳайётга кириб боришига боғлиқдир. Имом Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Абу

Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғилоний, Нажмиддин Кубро, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Наср Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ҳожа Ахрор Валий, Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк алломаларимиз баркамол авлод тарбияси хусусида ўз асарларида, шеърларида, рубоийлари ва ғазалларида баён қилганлар. Бинобарин, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму-маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Мамлакатимиз мустақиллик шароитида ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида миллий хусусиятларимиздан ва замонавий технологик жараёнлар кўламидан келиб чиқсан ҳолда туб ислоҳотларни амалга ошироқда.

Бугунги кунда дунёда таълим бериш ва таълим олиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки, айнан сифатли таълим биз яшаб турган дунёни турли муаммолардан қутқаришда муҳим роль ўйнаши энди ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли давлатлар таълим соҳасига катта маблағ ажратмоқдалар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатларида “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос–бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик–бу билимсизликдир!” дейишларида ҳам юқоридаги фикрни англаш мушкул эмас. Шу билан бирга 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида ҳам чуқур маъно ва мазмун бор. Президентимизнинг нафақат ёшлиар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билим савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак бўлиб, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади деб донишманларча айтган сўzlари муқаддас китобимиз Қуръоннинг ilk оятида ҳам “Ўқинг”, “Ўқинг” деб илму маърифатга алоҳида ургу берилганлиги ва “Илм”сўзининг 900 га яқин ўринда турли маъноларда келганлиги бу даъватнинг муҳимлигини англатади.

Президентимизнинг нутқларидан бирида шундай даъваткор фикр билдирилди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренесанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”.

Таълим-тарбия тизимидағи ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшлиаримизни биздан қўра билимли, кучли, доно ва албатта, баҳтили бўлишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Буни эса давлатимизнинг ўқитувчи ва мураббийларига кўрсатаётган юксак эҳтироми деб баҳолашимиз лозим. Ҳар йили “Мустақиллик”

ҳамда “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” байрами арафасида таълим-тарбия беришда ўрнак кўрсатаётган устозлар давлатимизнинг юксак мукофотлари ва унвонлари билан тақдирланмоқда. Ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулиятли, аммо шарафли касбларини бир машъалга қиёс этиш мумкин. Чунки улар ўз умрларини ўзгалар йўлини ойдин қилишга бағишилаган хокисор инсонлардир. Халқимизда ўқитувчи – миллат тарбиячиси деб бежиз айтилмаган. Ўқитувчи бугун ўзи таълим бераётган шогирдининг камолоти ила келажакка пойдевор қўяди. Келажак фарзандларимизники, уларни комиллик ва камолот чўққисига эса ўқитувчи - устози бошлаб боради.

“Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди” дейди донишманлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” – дейдилар Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар-буғунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир” деб номланган нутқларида. Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил ёндоша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун кўра оладиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси биз учун муҳум масала бўлиб ҳисобланади. Буғунги тезкор замонда руҳиятимизда ўзгариш сезилди, ҳаётимизга интернет, телефон, турли хил ёт ғоялар, бузғунчи мағкуралар соя сола бошлади. Ҳар қандай давлатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга шароит ва имкониятлар яратиш борасида мустаҳкам база яратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишиланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқида таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренесанс пойдеворини яратишни ўзимизга мақсад қилиб белгиладик.

Президентимизнинг сиёсий иродаси натижасида ўқитувчилар қишлоқ хўжалиги ва ободонлаштириш ишлари ҳамда бошқа мажбурий меҳнатдан озод қилинди. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Охирги уч йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача бир неча баробар оширилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Уларга 50

фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўлаб берилмоқда. Бу олис ҳудуд таълим муассасаларига етишмаётган мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имконини берди. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсия тўлиқ миқдорда берилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўқитувчиларнинг ойликларини яна қайта кўриб чиқиши ва ошириш вазифасини белгилаб берди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар қандай одамнинг ҳавасини уйғотадиган юзлаб мактаблар, янги олий ўқув юртлари барпо этилаётгани, уларнинг техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон андозаларига мос ўқув воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳаси ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимий эътиборда бўлиб келаётгани барчамизга маълум.

Албатта, бундай шароит-шаротлар ўз йўли билан, лекин биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи масала—бу ана шундай билим масканларида кимлар дарс бераётгани, фарзандларимиз ва келажаги ишониб топширилган ўқитувчиларнинг касб-маҳорати, билим ва тажрибаси, масъулияти ва фидоийлиги билан боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган ижодкор шахсга, ёшларнинг юрагига чукур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласидиган куч ҳам бу- илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ” –деган эдилар Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Таълим ва тарбия бир - бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бу фикрлар айнан бугунги кунда фарзандларимизга таълим ва тарбия бераётган устоз мураббийларимизга боғлиқ. Жамиятнинг бугунги ва келажаги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзларининг ҳар бир чиқишлирида ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар учинчи ренессанс пойдевори бунёдкорлари, маърифат, маънавият боғининг боғбонлари эканини қайта-қайта таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам инсониятнинг маънавий дунёсини тартибга солувчи, унинг йўлини эзгулик томон йўналтириб турувчи, илм машъаласини кўтариб, шогирдларни изидан эргаштира оловчи инсон муаллимдир.

Барчамизга аёнки, миллат ва мамлакат тақдири ёшлар қўлида. Жамиятнинг истиқболи, тақдири ва тараққиётини бугун биз қандай ёш

авлодга топшираётганимизни англайпмизми? Зеро, ўз замонасининг ажойиб ватанпарвар ўғлони Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, нажот-ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деб таъкидлагани бежизга эмас эди. Албатта, ёшлар тарбияси қанчалик эрта бошланса, унинг самарадорлигини оширишга қанча кўп эътибор қаратилса, натижаси шунчалик юқори бўлади.

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълимтарбияси, замонавий билимларни чукур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Кекса авлод эришган ютуқларга, улар тўплаган тажрибага таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада кўтариш ҳамиша ёшлар зиммасига тушган. Бугунги ғоят таҳликали, ҳам иқтисодий ҳам маънавий инқизозлар кучайиб бораётган, ёшлар онгини ёлғон ва сохта ахборот хуружлари дахл қилаётган, уларнинг қалбига дин ниқоби остидаги заарли таъсирлар ортиб бораётган хатарли замонда барчамиздан уйғоқлик, ҳушёрлик талаб қилинади.

Ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чукур билимли, дунёда хеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биз, ўқитувчиларнинг асосий вазифаларимиздан биридир, буни теран англамоқ даркор. Обод ва озод Ватанимизга содик, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган баркамол инсонларни тарбиялашдек шарафли вазифани ўзларининг умр мазмуни деб биладиган бу фидойи инсонларга ҳам бир умр таъзимдамиз. Зеро, ҳалқимиизда “Устоз – отангдек улуғ” деган пурмаъно ҳикмат бор.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар таркибида, жумладан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, таълим жараёнидаги фаоллигини юксалтириш, касбий фаолият учун зарур билим, кўникма малакалар эгаллашини, муаммолар устида ишлашда мустақил ва ижодий ёндашувини таъминловчи инновацион тафаккурни ривожлантиришнинг механизмларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим масалалар ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Шавкат Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” Тошкент - “Ўзбекистон” 2018 йил. 446- бет
2. Шавкат Мирзиёев “Миллий тараққиётимиз йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз” Тошкент - “Ўзбекистон” 2019 йил. 505- бет
3. Маврулов А. Боланинг бегонаси бўлмайди. Маърифат. 24.06.2010 й.
4. Tulenova.G «O‘zbekistonda ma’naviy xavfsizlikni ta’minlash muammolari // Ниқоқ. Т.:1999, № 5. 31-36 b.

5. Islamov I.N. Ma'naviyatga tahdid – kelajakka tahdid. Globallashuv, modernizatsiya va tolerantlik: muammolar, echimlar va istiqbollar. Konferensiya materiallari.- T.:2009, 57 b.
6. Rashidova, B. (2022). YUksak Ma'naviyat avvalo inson odobida namoyon bo'ladi. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(12), 351-355.
7. Yahyaevna, B. R. (2023). Education-First of All, it Means Immigration of Knowledge to the Child through Kindness, Attention and Care. AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT, 2(1), 162-168.
8. Abdumannonovna, T. D. (2023). WAYS OF DEVELOPING THE INTERNAL AUDIT SERVICE IN BUSINESS ENTITIES. JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE, 2(8), 37-40.
9. Umarova, Zevi Odilovna, and Feruza Yaxyoevna Obidova. "MANAVIY QADRIYATLARIMIZ-MILLIY TARBIYA OMILI." Global Science and Innovations: Central Asia (см. в книгах) 5.1 (2021): 137-140.